



УДК

**Турли шўрланиш даражасига эга ерларда кунгабоқар ҳар хил навларининг  
маҳсулдорлик кўрсаткичлари**

<sup>1</sup> Луков М. К. , <sup>2</sup> Лукова И. М <sup>1</sup> Эргашев Ж. Ш

<sup>1</sup>Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти/  
<sup>2</sup>Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти

**Аннотация:** Майдон ҳисобида маҳсулдорлик курсаткичлари юқори бўлган ўсимликларнинг кўп жойлашиши юқори ҳосилдорликни таъминлайди. Бир туп ўсимликнинг ҳосил элементлари саватча диаметри, саватчадаги писталар сони, уруғнинг натураси, бир туп ўсимликдаги ҳосил миқдори ва уруғдан мой чиқими каби кўрсаткичлар маҳсулдорлик кўрсаткичларидир. Маҳсулдорлик кўрсаткичлари грамм .ёки килограм .билан, майдон ҳисобидан олинган ҳосил–ҳосилдорлик деб ҳисобга олинади. ва у ц/га ёки т/га кўрсаткичлари билан белгиладанади. [1; 5;].

**Долзарблиги.** Экин навининг маҳсулдорлик курсаткичлари, миқдорий кўрсаткичлар бўлиб ҳисобланади бу кўрсаткичлар санаш, .тортиш, ўлчаш йўллари билан аниқланади. Майдон бирлигида юқори ҳосилдорликка эришиш учун маҳсулдорлик кўрсаткичлари юқори бўлган навларни яратиш долзарб масала ҳисобланади [1; 4; 5;].

**Материал ва методлар.** Тажрибалар Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтининг ўқув тажриба хўжалигида кичик пайкалчалар (эни 1 м. узунлиги 5м. ва чуқурлиги 1м.) бўлган жойда ўтказилди. Бу бўлмачаларга шўрланмаган, кучсиз шўрланган ва ўртача шўрлаган тупроқлар машинада келтирилиб жойлаштирилди ва кейин унга уруғлар экилди. Объект сифатида кунгабоқарнинг тезпишар Сур ва Родник навлари ва эртапишар СамҚХИ 20-80 навининг 1 репродукцияли уруғ лигидан фойдаланилди. Тажриба тўрт қайтариқдан иборат. Тадқиқотлар ЎзПИТИ (2007й). Ўсимлик генетик ресурслар ИТИ (2009й) усуллари бўйича ўтказилди

**Натижалар ва уларнинг таҳлили** Маълумотлар (1-жадвал) курсатишича тўпроқ шўрланиши кунгабоқар навларининг маҳсулдолик кўрсаткичларига салбий таъсир қилади.Тупоқда шўрланиш даражасининг ошиши билан маҳсулдорлик кўрсаткчлари сезиларли даражада пасайиши кузатилди. Ўртача шўрланган тупроқларда урганилаётган барча навларнинг маҳсулдорлик курсаткичлари паст, яъни саватчаниг йириклиги 17,1 см.дан 18,4





см.га ча ва бир туп усимликнинг ҳосили 55,3 грамман 65,6 граммгача булди . Махсулдорлик курсаткичларини баҳолашда 1000 дона уруғ массасини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. 1000 дона уруғнинг оғир булиши уруғ магзининг чиқими куп, пучоғи юпқа ва унда мойлилик даражаси юқори булишини ифодалайди. Шунингдек уруғ натураси кўрсаткичининг катта булиши ҳам, уруғ зичлигининг юқори эканлигини, уругда мой микдорининг куп булишини ифодалайди. [2; 3; 4;].

Кунгабоқар навлари уругининг 1000 донаси массасининг ошиши билан уруғ натурасининг йуқори булиши туғри корреляцион боғланишга эга. [3;4; 5;]. Ўрта даражада шурланган тупроқли ерларда САМ ҚХИ 20-80 ва Родник навларининг махсулдорлик курсаткичлари ( 1 туп ҳосили 75,0 ва 80,8 г. уруғ натураси 419-426 г/л. ва 1000дона уруғ оғирлиги 66,7 ва 72,6 г. ни ташкил этиши) юқори бўлиши бу навларнинг тупроқ шўрланишига чидамли эканлигини ифодалайди.

**Хулосалар:** Кунгабоқар навларининг махсулдорлик кўрсаткичлар тўпроқ шўрланишига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Тупроқ шўрланишининг ошиши билан махсулдорлик кўрсаткичлари сезиларли даражада пасаяди. Ўртача шўрланишга эга тупроқли ерларда маҳаллий шароитда яратилган СамҚХИ 20-80 нави ва Родник навларининг таъсирчанлиги паст бўлгани учун бу навлар яхши ўсиб ривожаланади ва ҳосил элементлари яхши шаклланади.

### Адабиётлар рўйхати

1. Абдукаримов Д.Т ва бошқ. Умумий селекция ва уруғчилик /Дарслик / Тошкент 2020 й 208-209 б.
2. Аманова А, Рутамов А. Мойли экинлар жаҳон коллекциясини ўрганиш бўйича услубий кўрсатмалар. Тошкент 2010 й. 9-12 б.
3. Пустовойт В.С. Подсолнечник. Краснодар 1967. С.111-118.
4. Лошкомойников И.А., Пузиков А.Н. Густота стояния, урожайность и качество семян подсолнечника в условиях Омской области.// Земледелие 2009. № 8. С. 20-22
5. Луков М.К. Туракулов О. Х Кунгабоқар ertaпishar navlarining mahsuldorlik ko'rsatkichlari va urug'ining sifatiga tup qalinliginin g ta'siri Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari TO'PLAMI 547-551 betlar Samarqand 2023-yil, 12-13 may





Турли шўрланиш даражасига эга тупроқларда кунгабоқар ҳар хил навларининг маҳсулдорлик кўрсаткичлари к

Тупроқ Шўрла ниши	Навлар номи	Маҳсулдорлик кўрсаткичлари					
		Саватча диамет ри, см.	Саватчада уруғлар, сони, дона	Бир туп ўсим ҳосили, г.	Уруғ натур аси г/л	1000 дона уруғ оғирлиги.	Уруғдаги мой %
Шўрлан маган (назорат)	С у р	20,4	854	71,5	414	64,4	47,2
	Родник	21,0	898	75,0	419	66,7	48,4
	Сам ҚХИ -20-80	22,2	1103	80,8	426	72,3	49,1
Кучсиз шўрланган	С у р	18,8	768	63,3	400	56,0	46,4
	Родник	19,3	820	66,0	410	61,1	47,5
	Сам ҚХИ -20-80	20,4	1008	71,5	418	67,5	48,3
Ўргача шўрланишга эга	С у р	17,1	711	53,3	372	48,2	45,6
	Родник	17,5	745	56,4	398	53,6	46,5
	Сам ҚХИ -20-80	18,4	944	62,6	404	60,6	47,2

